

## АХСИКЕНТ ЗИЛЗИЛАСИ.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи

илмий ходими: **Х. Юлдашева**

### **Аннотация:**

Ушбу мақолада Ахсикент шаҳрининг бой тарихи, унинг Археологик тадқиқотлар натижасида шаҳарнинг милoddан аввалги III–II асрларда шаклланиши ва узок вақт давомида таракқий этгани таъкидланади. Ахсикентнинг савдо йўллари туташган нуқтада жойлашгани унинг ривожидида муҳим омил бўлгани қайд этилади.

Мақолада, шунингдек, 1620 йилда юз берган кучли zilzila оқибатида шаҳарнинг бутунлай вайрон бўлиши, аҳолининг катта қисми ҳалок бўлгани ва тирик қолганларнинг бошқа ҳудудларга кўчиб ўтгани ҳақида тарихий манбалар асосида маълумотлар келтирилган.

Бугунги кунда Ахсикент харобалари муҳим археологик ёдгорлик сифатида сақланиб, уни илмий ўрганиш ва муҳофаза қилиш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан ушбу тарихий меросни тиклаш, унинг ҳаққоний тарихини ёш авлодга етказиш ва халқаро миқёсда тарғиб қилиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ахсикент бугунги кунда нафақат илмий тадқиқотлар объекти, балки сайёҳлар учун ҳам жозибадор манзилга айланиб бормоқда.

Наманган тарихий обидаларга, бири аллома, иккинчиси шоир, яна бири номи кетган саънаткор бўлган ўлўғ сиймоларга бой вилоятдир. Кўхна Ахсикент милoddан аввалги III–II асрларда бунёд этилган, олиб борилган археологик қазишма ишлари жараёнида топилган ашъвий далиллар унинг айна шу асрларда шаклланишини тасдиқлайди. Ахсикент ёки Ахсикат номи билан аталиб узок давр давомида Фарғона давлатининг пойтахти бўлиб келган. Ахсикат номи биринчи марта IX асрга оид манбаларда тилга олинади. Ахсикент шаҳри Андижон,

Марғилон, Кўкон, Кува, Косон ва Поп орқали Хўжанд ва Илок шаҳарлари билан боғланган. Ахсикент шаҳри 1620 йилда юз берган 9-10 балли zilзила натижасида вайронага айланиб, қайта тикланмайди ва аввалги мавқеи йўқолади. Косонсойлик машхур географ ва табиатшунос олим Саид Мухаммад Тохир ибн Абул Қосим томонидан 1640 йилда ёзилган „ Ажойиб ат табоқат “ асарида ёзилишича, муаллиф zilзила оқибатларини ўз кўзи билан кўрган. Мазкур тарихий манбада Ахсикентда рўй берган zilзила шундай тасвирланади: Хижрий йили билан 1030 йилда Ахси вилоятида шундай zilзила бўлдики, Сирдарёдан чайқалиб чиққан сув дарё четидаги далаларни босиб кетди, сув билан чиқариб ташланган балиқлар қирғоқда типирчилаб ўлди. Катта дарахтлар илдизи билан ўпирилиб, эрга қулаб тушди, иморатлар қаттиқ ва тез- тез содир бўлиб турган zilзиладан вайрон бўлиб, кўп одамлар қулаб тушган иморатлар остида қолиб халок бўлганлар. Кўплаб одамларнинг оёқ- қўллари синди, хайвонлар кўрқинчдан далаларга қараб қочди. 6 ойгача zilзила давом этган. Биринчи куни zilзила 70 мартагача содир бўлиб турди. Шуниси қизиқки, энг қаттиқ zilзила Ахси қўрғонининг ичида бўлиб, атроф қишлоқларда zilзилани zilкинишлари бўлмаган. Аҳолини жуда кўп қисми халок бўлган. Тирик қолган инсонлар Ахсикентни ён атрофларида жойлашган қишлоқларга ва ҳозирги Наманган шаҳри бунёд бўлган жойга кўчиб келиб ўрнашганлар. Ҳозир Наманган шаҳри марказида Ахси номли кўча мавжуд. Унинг шундай деб номланишига бежиз емас. Бу кўча шаҳар марказидаги Сардоба даҳасидан бошланади. Сардоба – сара, тоза сув сакланадиган усти ёпик иншоот, ховуздир. Ахсикент шаҳарининг харобалари ҳозирги вақтда Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани, Шаханд қишлоғи ҳудудида, Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Ахсикент шаҳри Арк, шаҳристон ва рабод деб аталувчи уч қисмдан иборат бўлган. Буларнинг хар қайсиси уч томондан алоҳида деворлар билан ўралган еди. X асрдаги манбаларда ёзилишича, Аркда ҳоким саройи, хибсхона жойлашган. Шаҳристонда эса ички бозор ва Жомеъ масжиди, рабодда хунармандчилик маҳаллалари ва ташқи бозор мавжуд бўлган. Шаҳристоннинг чор атрофи пишиқ ғиштдан қўрилган ховузларга қуйиладиган бир неча ариқ орқали сув билан

таъминланган. Хозирда Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг тарих бўлимида рассом Косьяненко томонидан „ Ахсикент зилзиласи “ деб номланган матога мой бўёқда чизилган расм жой олган. Бу расм зиёратчилар томонидан жуда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу экспозиция юртимизни тарихини ўрганишга даъват этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев кўрсатмаларига мувофиқ 2017 йилда Ахсикент тарихий ёдгорлигини асраб авайлаш ва илмий ўрганиш, унинг ҳаққоний тарихини яратиш бўйича улкан ишлар бошланди. „ Ахсикент “ археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва таъдқиқ этиш дирексияси давлат унитар корхонаси ташкил этилди. Давлатимиз раҳбари Ахсикент тарихини илмий асосланган ҳолда чуқур ўрганиш, аждодларимизнинг асл ўтмиши ҳақида маълумотларни тўплаш ва ёш авлод онгига синдириш бўйича тизимли ишларни олиб бориш кераклигини таъкидлайди. Хозирга келиб Ахсикент археологик ёдгорлиги халқаро туризм манзилгоҳига айланмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи. *Ахсикент зилзиласи* (Косьяненко рассоми томонидан мой бўёқда чизилган расм экспозицияси), Наманган.
2. Давлат хизматлари ва ташаббуслари: Шавкат Мирзиёевнинг кўрсатмалари асосида Ахсикент тарихи ва археология меросини муҳофаза қилиш, 2017 йилдан буён амалга оширилаётган илмий ва тиклаш ишлари ҳақида расмий маълумотлар. – [ЎзР давлат веб-сайтлари ва оммавий ахборот манбалари].